Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 13 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 3 (7097)

**Da'vat**

Киши ўз қобилиятларини амалда татбиқ этган тақдирдагина билиши мумкин.

СЕНЕКА

**Ibrat**

Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласи кенгаши жамоатчилиги шу маҳалладаги 1-мактабнинг 25 нафар аълочи ўқувчисига стипендия тайин этди. Яна 25 нафар ўқувчига эса ручка, қалам, дафтар ва китоблар бепул тарқатилди.

**Aks sado**

## ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилинган «Акс садо» ёшлар кўрсатуви бизда жуда чуқур таассурот қолдирди. Кўрсатувда юртбошимизнинг «Катта ишонч ва умид билан» деган илҳомбахш дастхатлари ёзилган «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари иқтидорли ёшларга тақдим этилгани унитилмас воқеа бўлди. Орадан йиллар ўтади, бугунги ўқувчилар вояга етиб, ҳаётда ўз ўринларини топиб, жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига муносиб ҳиссаларини қўшишади. Ва шунда уларнинг ҳаётларида энг ҳаяжонли дақиқалар бўлган ана шу тадбирни тўлқинланиб эслашади.

Инсон ҳаётида энг муҳим воқеа бу – унга қилинган юксак эътибор ҳамда билдирилган ишончдир. Бугун ёшларга Президентимиз Ислом Каримовнинг шахсан кўрсатаётган ғамхўрлиги яқин келажакда ўзининг ажойиб самараларини беради. Бу, шубҳасиз, Ватан ва халқ бахти йўлидаги фидокорликда ўз аксини топади.

Шундай қувончли кунларда «Маърифат» газетасининг 6 январ сонида эълон қилинган «Акс садо» кўрсатуви иштирокчиларидан бир гуруҳининг дил сўзларини ўқиб, тенгқурларимнинг юрак амридан ғоятда таъсирландим. Уларнинг Президентимизга йўллаган Мурожаатида республикамиздаги барча ўқувчи-ёшлар тилак ва истаклари ўз ифодасини топган.

Юртбошимиз «Менинг энг катта ишончим ва умидим ёшлардан», дер экан, биз ана шу юксак ишонч ва умидга муносиб бўлиш учун куч-ғайратимизни аямаслигимиз керак. Ҳар биримиз таълим олаётган даргоҳимизда ўз ишимизни пухта бажарсак — билимимизни бойитсак, тафаккуримизни кенгайтирсак орзу қилинаётган буюк ўзгаришларга эришишимиз тайин бўлади.

Шу муносабат билан мен лицейимизда яқинда амалга оширилган бир тадбир ҳақида хабар қилишни лозим топдим.

(Давоми 2-бетда)



# 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## АЛП БЎЛ, ЎҒЛИМ

*Ота-она, эл-юртига содиқ ўғлон,*
*Жасурликда Қалмоқ элин қилган ҳайрон,*
*Минг йилдирки, ботирлиги элда достон,*
*Алпомишдек ор-номусли, алп бўл, ўғлим.*

*Яхши ният кишиларга ҳамроҳ юрган,*
*Чин дўст бўлиб, Ойбарчинга совчи бўлган,*
*Кам эмасдир Алпомишдан, кучга тўлган,*
*Қоражондек ҳимматли бўл, мард бўл, ўғлим*

*Рустам, Равшан, Алпомишлар ўсган юртинг,*
*Истиқболи порлоқлиги сенинг бахтинг,*
*Аждодларга муносиб бўл, бўлсин аҳдинг,*
*Қайқубоддек жўмард, сахийқалб бўл, ўғлим*

Моҳира ШАКАРОВА

«Ҳар бир фуқаро Ватан ҳимоячисидир» деб номланган махсус саҳифа билан газетамизнинг 3-бетида танишасиз.

## JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни эълон қилинди.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида 1999 йилда маҳсулот етказиб бериш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш учун шартномалар тузилишининг боришига бағишланган мажлис бўлди.

• Тошкентда спорт журналистикасининг долзарб муаммоларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 12 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун 1 АҚШ долларини 110,74 сўм қийматида белгилади.

• Қозоғистон тарихида биринчи марта мамлакат президентлигига муқобиллик асосида ўтказилган сайловда амалдаги Президент Нурсултон Назарбоев 81,7 фоиз овоз тўплаб, етти йил муддатга мамлакат Президенти этиб сайланди.

• Қўшма Штатлар ҳукумати Ироққа қилинган ҳужумидан олдин халқаро инспекторлардан жосус сифатида фойдаланганликлари ҳақида матбуотда берилган хабарни шарҳлашдан бош тортди.

• Қобул университетининг толибонлар гуруҳига мансуб маъмурияти талабалар бундан буён соқол қўйиши ва сабоқларга турбон (салла) ўраб келиши ҳақида кўрсатма берди.

• Туркия Президенти С. Дэмирель Демократик сўл партия етакчиси Бюлент Эжевитга яна янги ҳукумат тузишни топширди.

**Jarayon**

## МИЛЛИЙ ДАСТУР МАВЗУИДА

Таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш бугун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан сўнг бир талай ибратли ишлар амалга оширилди.

Куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва университет таълимининг истиқболлари» номли илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Республика миқёсида бўлиб ўтган бу анжуманда университетлардаги таълим тизими, ижтимоий-гуманитар факультетлардаги салбий ҳолатлар, аспирантлар ўқиши, илмий изланишлари қай даражадалиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва давлатимиз олиб бораётган сиёсатни халқ онгига сингдиришда қўл келадиган илмий асарларни кўпроқ яратиш, ҳамда Фанлар академияси билан олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев иштирок этди.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

**E`tibor**

## ҲОКИМ ҚАНДАЙ БЎЛСА...

Директор қандай бўлса, мактаб ҳам шундай бўлади, деган фикр бор. Биз қиссадан ҳисса сифатида, ҳоким қандай бўлса, у элбошилик қилаётган шаҳар ёки туман ҳам шундай бўлар экан, деган хулосага келдик. Мазкур фикрнинг нечоғли тўғрилигини Фарғона вилоятининг Данғара тумани ҳокими Абдураҳим Норқўзиев олиб бораётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу лавозимга тайинланганидан буён орадан бир йил ўтди. Мактабларда фаолликни оширишга, туман спортини ривожлантиришга, ўқувчиларни спорт майдонларига жалб қилишга эътибор кучайтирилди.

Ҳоким туман молия ва халқ таълими бўлими раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, дастлаб замонавий бинога эга бўлган 20 та мактабда мослаштирилган теннис кортларини қуриш ташаббуси билан чиқди. Бу иш аввало 5-мактаб ҳудудида амалга оширилди. Зеро, мазкур ўқув даргоҳи болалари ўртасида спортга мойиллик анча кучли. Шу боис, бу ерда иккита еттинчи синф ҳам футболга ихтисослаштириляпти.

Ҳокимлик дастлаб ракетка, тўр ва теннис тўпларини сотиб олиш харажатларига 114 минг сўм пул ажратди. Навбатдаги қурилажак майдон учун ер танлаш, уни мослаштириш ва текислаш, атрофини ўраш эса мактаблар зиммасига юклатилди. Бу — ҳашар йўли, жисмоний тарбия муаллимларининг бевосита бошчилигида, юқори синф ўқувчиларининг қўл кучи билан амалга ошириладиган бўлди.

Абдураҳим ака ишнинг бориши жараёнида натижаларни енгил режада сарҳисоб қилиб кўриш учун таълим мутасаддиларини яна бир марта ҳузурига чорлади.Уларни обдон тинглади.

(Давоми 2-бетда)

## Ўқитувчи ён дафтарига

### МУТАХАССИСЛАР ҚИЗИҚИШМОҚДА

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг Шоҳидон қишлоғида истиқомат қилувчи Абдумажид Муҳиддинов томорқасида ишлаётиб, икки бошли илонга дуч келди. Узунулиги 30 сантиметр атрофида бўлган икки бошли бу митти махлуқ айни пайтда қишки уйқуда эди. Мутахассислар илоннинг иккита бош билан туғилиши сабабларини ўрганишмоқда.

### ОЛИМЛАР ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Австралиялик олимлар чекишга қарши кураш имкониятларини кенгайтириб, ичга тортилаётган никотин микдорини камайтирадиган, шакл ва ўлчам жиҳатидан сигаретага тенг бўлган ингалятор яратдилар. Кашандаларнинг чекиш хуморини сусайтириб, охир-оқибатда бу одатдан қутулишларига ёрдам берувчи мазкур кашфиётни мамлакатда кенг тарқатиш учун ҳаракат қилинмоқда.

### ДЕҲҚОНЧИЛИК БИР ЙИЛДА...

Лондонда, Гиннеснинг рекордлар китобига ўз ютуқларини киритиш ниятида тўпланган, жаҳоннинг турли бурчакларидан ташриф буюрган 244 киши орасида Тенниси штатидан келган 59 ёшли деҳқон Энн Николс ҳам бор эди. Энн Николс бу ерда ўзи етиштирган оғирлиги 88,1 килограммли ажойиб ошқовоқни намойиш қилди.

### ЎЗИГА ХОС УЮШМА

Бугунги кунда дунё бўйича энг кўп тарқалган фамилия Ле бўлиб, бундай фамилияли кишилар 100 миллионни ташкил этади ва уларнинг аксари Хитойда яшашади. Қизиғи, улар бу фамилияни сақлаб қолиш учун «Ле-Лер уюшмаси»ни тузишган, уюшманинг айни пайтдаги раҳбари Стиван Ледир.

КЎЗГУДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ 2-бет

ТИКЛАНГАН ҲАҚИҚАТ 4-бет

ЖИНОЯТНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА? 4-бет

**Seminar-kengash**

## МАСЪУЛЛИК ЮКИ

Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида Республика Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 23 декабрда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда сўзлаган нутқи муҳокамасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, туман халқ таълими мутасаддилари, тегишли ўқув муассасалари раҳбарлари иштирок этишди. Республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев «Халқ таълимида ислоҳотлар бориши ва бунда таълимнинг маҳаллий бошқарув органлари масъулияти» мавзуида чиқиш қилди.

— Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида сўзлаган нутқларида бугунги ислоҳотларда раҳбар масъулияти тўғрисида сўзладилар, — деди вазир. – Шундан келиб чиқиб, мен уч жиҳат ҳақида тўхталмоқчиман. Энг аввало, кадрларимиз ҳозирги ислоҳотлар учун тайёрми? Афсуски, ундай эмас. Аттестация натижасида 500 дан ортиқ турли-туман раҳбарлардан воз кечдик. Чунки, улар бир ерда депсиниб қолишган. Ҳаётнинг бугунги маромидан бехабар. Таълим мутасаддилари, умуман ўқитувчилар янгиликка чанқоқ бўлсин.

Шу ўринда мен иккинчи бир жиҳат – муаллим мутолааси хусусида тўхталмоқчиман, — деди Ж. Йўлдошев. — Ўқитувчи учун «методика кунлари» нима учун берилади? Дам олиши учун эмас! Балки, бугунги кунда таълимда бўлаётган янгиликлардан хабардор бўлсин, ўргансин , мутолаа қилсин учун. Бунга жиддий эътибор қаратиш керак.

Халқ таълими вазирининг таъкидлашича, ҳозирда мактабларда 5,5 минг ўрта маълумотли муаллимлар дарс беряпти. Бошланғич таълим ўқитувчиларининг 45 фоизи олий маълумотга эга эмас. Улар ўрнини тезорада шу соҳа мутахассислари билан таъмин этиш керак. Чунки ислоҳотларнинг шиддатли маромига уларнинг савияси дош беролмайди. Ҳар бир мактаб ўзининг бўлажак мутахассиси ҳақида ўзи ўйлаши керак. Ёш муаллимларни тайёрлаш, уларга ёрдам бериш, дардини эшитиш – мутахассислар пойдевори учун замин бўлиб хизмат қилади. «Энг асосий вазифа, — деди вазир, — бозор иқтисодиётида кечаётган воқеликни мактабга олиб киришдир».

Семинарда халқ таълими вазирлиги мактаблар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ш. Пўлатов «Умумий ўрта таълим дастурларини синаш ишларининг якуни ва вазифалари» хусусида сўз юритди. Унинг айтишича, барча ўқув фанлари бўйича синов дастурларининг I ва II чоракларга мўлжалланган мавзулари ўзлаштирилган. Синов дастурларини ўзлаштириш даражаси 100 балли рейтингда ўқув фанлари бўйича ўртача 78 бални ташкил этди. Бу амалдаги дастурлар бўйича ўқитилгандан 7 балл юқори.

Касби туманидаги 2-мактаб (биология), Бухоро шаҳридаги 9-мактаб (она тили), Андижон шаҳридаги 27-мактаб (давлат ва ҳуқуқ асослари), Урганч шаҳридаги 16-мактаб (математика), Ургут туманидаги 34-мактаб (физика)лар ўзагида ташкил этилган тажриба-синов майдонларини намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Ш. Пўлатов мавжуд муаммолар ҳақида тўхталар экан, ҳозирги пайтда мактабларга олий ўқув юртлари битирувчиларидан 7-7,5 минг мутахассис ишга жойлашаётганини, бу эҳтиёжнинг 25%инигина ташкил этишини таъкидлади. 4-5-синф ўзбек гуруҳлари ўқувчиларининг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги дарсликларига бўлган эҳтиёжи 16 номда 7,7 млн. нусхани ташкил этгани ҳолда, жорий йилнинг 30 октябридаги маълумотларга кўра уларнинг 3 млн. 200 нусхаси сотилган.

Вазирликнинг «Маънавият ва қўшимча таълим» бошқармаси бошлиғи М. Шафиев «Халқ таълимидаги ислоҳотлар ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг муаммолари ва ечимлари» борасида сўзлади.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони етакчи консультанти F. Шоумаров иштирок этди.

Асқар ШОКИР

# ЮКСАК ИШОНЧГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Бухоро туманидаги иқтидорли болалар лицейида «Фидойилар» клуби ташкил этилди. Клубнинг раҳбари этиб маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари, ўз касбининг фидойиси, олий тоифали ўқитувчи М. Носирова сайланди. Клубга 160 нафар ўқувчи ўз хоҳиши билан аъзо бўлиб кирди. Клубда етти йўналиш бўйича шўъбалар ташкил қилинган. Бу шўъбалар «Адолат», «Сиёсат», «Муҳит», «Саломатлик», «Иқтисод», «Тафаккур», «Маънавият» деб номланди. Клубнинг Низомини тарих фани ўқитувчиси У. Ҳайдаров ишлаб чиқди. «Ватанга муҳаббат, Истиқлолга садоқат, миллий меросга ҳурмат!» — клубнинг шиори. Шунингдек, «Фидойилар» клубининг иш режаси тузилди.

Клуб шўъбаларида баҳс мунозаралар уюштирилади, учрашув, саёҳат, илмий ишлар бўйича тадбирлар ташкил қилинади. Аъзолар илмий ишлар билан машғул бўлиш жараёнида мустақил фикрлаш, ўз дунёқарашига эга бўлиш малакасига ҳам кўника борадилар. Асосий мақсад ҳам уларда ҳар томонлама тарбияланган баркамол шахсни вояга етказишдир.

**Диловар ШЕРОВА,**
**«Фидойилар» клуби фаоли**

# ҲОКИМ ҚАНДАЙ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда)

Шу ерда яна бир фикр чиқиб қолди. Ўйлаб кўришса, Данғара марказида алоҳида теннис корти бор, болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун бошқа иншоотлар, имкониятлар етарли. Марказдан олисда, ҳатто 30 километр узоқликда жойлашган мактаб ўқувчилари шунча масофага ҳар куни қатнамайдилар-ку. Қишлоқ болаларининг бошқа ерликлардан қаери кам! Туман бўйича эса тўртта ҳудудга бўлинган жами 41 та мактаб бор. Уларнинг ҳаммасида мослаштирилган теннис кортини қуриб, атрофини имкон қадар, ҳашар йўли билан ўралса қандай бўларкин? Бу иш кўп маблағ ҳам, катта меҳнат ҳам талаб қилмайди. Фикр барчага маъқул тушди.

Биламизки, республика Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 17 январда «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида» махсус қарор қабул қилган эди. Мазкур қарордан келиб чиқадиган долзарб вазифаларни бажариш, истеъдодли футболчиларни танлаш ва тарбиялаш мақсадида данғараликлар яқинда туман футбол мактабини ҳам очишмоқчи. Бу тўғрида ҳокимликнинг фармойиши чиқарилди.

Спорт соҳасида йил фаслларига қараб турли хил тадбирлар ўтказиш анъанага айланиб бораяпти. Ўқитувчилар ўртасида ҳам шахмат-шашка, футбол, волейбол, қўл тўпи бўйича спартакиада ҳар йили ташкил этилади. Яқинда эса 32-мактабнинг спортчи ўқувчилар жамоаси Самарқанд шаҳрида республика биринчилиги учун олиб борилган спартакиада беллашувларида муваффақиятли қатнашдилар.

Мисол учун, 18-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ҳаётхон Муллаева шу йил май ойида республика спорт мактаблари ўқувчилари ўртасида енгил атлетика бўйича мусобақаларда мутлақ ғолибликни қўлга киритди. Бу сафар ўқувчи қизалоқ яқин масофага югуришда ҳаммани ҳайратда қолдириб, тўртинчи марта республика чемпиони бўлди. Ҳаётхон яқинда ҳатто жаҳон терма жамоасига қабул қилинди. 9-синф ўқувчиси Сардор Набиев ҳам енгил атлетика бўйича юксак натижаларга эришиб, республика терма жамоасига киритилди.

**Аваз ҲАЙДАРОВ,**
**ўз мухбиримиз**

**Халқ таълими вазирлигида «Ўзбек тили — Доимий анжумани»нинг V йиғилишини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳнинг биринчи мажлисида шу саволга жавоб изланди. Тўғри-да, ўтказмоқчи бўлаётган тадбиримиздан нафақат бевосита иштирокчилар, балки бутун бир таълим тизими наф кўрмаса бундан не фойда.**

**— Бу каби муҳим йиғинларга тайёргарликни энг қуйи босқич — мактаблардан бошламоқ зарур – деди халқ таълими вазири, ишчи гуруҳ раиси Жўра Йўлдошев, — Токи бу жараёнда иштирокчилар сони кўпайсин. Негаки, галдаги анжуман кун тартибидаги масала — «Нутқ маданиятини шакллантириш» ҳар бир она тили фани ўқитувчиси зиммасидаги долзарб вазифалардан бири. Зеро, ўқувчи қанчалик нуктадон бўлса, шунчалик ўз фикрини теран ва тушунарли ифода этади.**

## АНЖУМАН МАҚСАДИ НИМА?

**Шунингдек, йиғилишда бу ишга совуққонлик билан қараётган жойлар ҳам тилга олинди. Ўтган йилнинг август ойида хабардор қилинган бўлса-да, Тошкент, Андижон ва Сурхондарё вилоятларидан ҳали-ҳануз танланган маърузалар етиб келмаган. Бу ҳол маълум даражада шу ҳудудларда мазкур масалага хайрихоҳликнинг нечоғли эканлигини ҳам англатади. Ишчи гуруҳ аъзолари амалдаги йилнинг апрель ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги анжуманни ўтказиш, унинг самарали ўтиши ва она тили фанини ўқитиш таъсирини кучайтириш билан боғлиқ кўпгина таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.**

**МУХБИРИМИЗ**

# ҚУШ УЯСИДА КЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Кун бўйи ишхона ва жамоат жойларида бўласиз. Кўчада ҳаёт қайнайди. Одамларнинг турфа хил ҳаракатлари, муомала-муносабатлари, юриш-туришларига кўзингиз тушади, гувоҳи бўласиз. Ҳатто иштирокчисига айланасиз. Бири маъқулу бошқаси йўқ.

Ўтган йили декабрда мактабимизда туман олимпиадаси бўлиб ўтди. Иштирокчилар кеттач, фаррошлар писта пўчоқ, қоғоз парчалари, мева, сигарет қолдиқларини икки кун тозалашди.

Қишлоғимиз четидан катта ариқ ўтган. Пахта ва одамларнинг экинлари шу сувдан ичади. Истеъмол қилувчилар ҳам бор. Ўтган ёзда йўлим шу томонга тушиб қолди. Ариқ тўла сув. Лекин уни сув деб бўлмайди. Рангги хира, бўтана. Нималар йўқ дейсиз? Сабабини пахта суғориб юрган сувчидан сўрадим. Ариқ юқорисидаги яшаёттан фермер ва хонадонлар молининг тагини тозалаб, ҳар хил чиқиндиларини шу ариққа оқизиб юборар экан. Ифлос сув, ювиндиларини кўча ариғига тўкувчиларни ёки қувурлар ўтказиб, ариқчалар ясаб кўчага оёқ тагига тушириб қўйганларни қандай аташ мумкин?

Мактабимиз олдидан серқатнов йўл ўтган. Шундай инсофсиз одамлар, касб-ҳунар, савдо дўконлари, емакхона эгалари борки, чиқиндиларини ана шу катта йўл ёқасига, машиналар ғилдираги тагига ташлаб кетишади. Сўзанага тушган ямоқдай атрофни «безаб» ётади. Чанг бўлиб осмонга кўтарилади, бадбўй ҳид таратади. Соф ҳавони булғайди. Ана шу хонадонларда ўсган болалар кимдан ўрнак олади? Келажакда катталар ишини давом эттирмайди деб бўлмайди. «Қуш уясида кўрганини қилади», — деган гап ҳам бор-ку!

**Шамидулла ОТАҚУЛОВ,**
**Халқ таълими аълочиси**





***Паркент туманидаги 27-мактабда шундай ўқитувчилар ишлашадики, хоҳ у бошланғич синфда бўлсин, хоҳ катта синфларда бўлсин ҳар бир ўқувчининг чуқур билим олишлари учун меҳнатларини аямайди. Сиз суратларда кўриб турган бошланғич синф ўқитувчиси Маҳсума Мажлимова ва мактабда 23 йилдан буён ёшларга физика сирларини ўргатаётган Акмал Йўлдошевлар ҳам ўшалар сирасига киради.***

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

DTM tahlili

# КЎЗГУДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

***Газетанинг бугунги сонида Хоразм вилояти туман ва шаҳарларидан келган абитуриентларнинг тест синовларидаги жавобларининг барча фанлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари берилган.***

***Хоразм вилоятидан Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлигини Республиканинг ўртача кўрсаткичлари билан таққослаш натижалари қуйидагича:***

| Фанлар | Республика бўйича ўртача кўрсаткич | Вилоят кўрсаткичи | Ўрни |
|---|---|---|---|
| Она тили ва адабиёти | 40,87 | 42,27 | 3 |
| Математика | 36,13 | 46,26 | 3 |
| География | 41,95 | 46,77 | 2 |
| Тарих | 50,81 | 50,31 | 6 |
| Кимё | 38,26 | 46,76 | 2 |
| Биология | 46,80 | 58,76 | 2 |
| Физика | 32,06 | 35,10 | 4 |
| Инглиз тили | 41,44 | 46,43 | 4 |
| Немис тили | 27,16 | 28,38 | 8 |
| Француз тили | 30,48 | 32,42 | 6 |
| Давлат ва ҳуқуқ асослари | 60,12 | 54,02 | 12 |

**Юқоридаги жадвалдан «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан ташқари барча фанлардан эришилган самарадорлик Республиканинг ўртача самарадорлик кўрсаткичларидан бир мунча юқори эканлигини кўриш мумкин.**

**Вилоятнинг шаҳар ва туманларидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилига назар солсак, она тили ва адабиёти фани бўйича Янгиариқ, Боғот туманлари; математика фани бўйича Дружба шаҳри, Янгиариқ тумани; физика фани бўйича Урганч шаҳри, Янгиариқ тумани; биология фани бўйича Янгиариқ, Боғот туманлари; кимё, тарих, география фанлари бўйича Янгиариқ тумани; чет тиллари бўйича Дружба шаҳри, Хонқа, Гурлан туманлари бирмунча юқори кўрсаткичларга эришганликларини, айниқса Янгиариқ туманидан қатнашган абитуриентлар самарадорлиги бошқа туман ва шаҳарлардан қатнашган абитуриентлар самарадорликларидан юқори эканлигини кўриш мумкин.**

**Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, малака ошириш институти ва услубиёт хоналарининг мутахассислари жадвалда келтирилган статистик таҳлилни чуқур ўрганиб, хато ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрадилар, деб умид қиламиз.**

### Хоразм вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
### Ўрта махсус ўқув юртлари

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. Абит. сони | Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик % | Математика Абит. сони | Математика Самарадорлик % | Физика Абит. сони | Физика Самарадорлик % | Биология Абит. сони | Биология Самарадорлик % | Кимё Абит. сони | Кимё Самарадорлик % | Тарих Абит. сони | Тарих Самарадорлик % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Урганч тумани | 411 | 35,85 | 264 | 24,45 | 0 | 0,00 | 116 | 40,57 | 11 | 25,25 | 19 | 32,02 |
| 2 | Хива тумани | 551 | 35,82 | 261 | 24,06 | 0 | 0,00 | 276 | 40,00 | 5 | 32,22 | 9 | 45,99 |
| 3 | Хазорасп тумани | 219 | 36,81 | 121 | 26,88 | 0 | 0,00 | 77 | 35,75 | 9 | 20,68 | 13 | 50,85 |
| 4 | Гурлан тумани | 543 | 43,01 | 158 | 27,36 | 0 | 0,00 | 346 | 43,83 | 7 | 25,79 | 32 | 56,25 |
| 5 | Хонқа тумани | 454 | 37,07 | 266 | 26,56 | 0 | 0,00 | 139 | 42,65 | 18 | 31,02 | 30 | 44,17 |
| 6 | Шовот тумани | 639 | 39,95 | 288 | 30,16 | 0 | 0,00 | 326 | 44,73 | 7 | 33,73 | 17 | 45,75 |
| 7 | Янгибозор тумани | 329 | 41,86 | 162 | 26,20 | 0 | 0,00 | 141 | 46,99 | 7 | 29,37 | 18 | 50,31 |
| 8 | Қўшкўпир тумани | 499 | 41,39 | 273 | 26,62 | 0 | 0,00 | 185 | 38,81 | 17 | 31,37 | 21 | 57,67 |
| 9 | Боғот тумани | 458 | 42,27 | 204 | 26,97 | 0 | 0,00 | 227 | 43,80 | 8 | 35,42 | 19 | 59,06 |
| 10 | Янгиариқ тумани | 406 | 43,82 | 210 | 29,72 | 0 | 0,00 | 167 | 45,92 | 5 | 31,67 | 23 | 48,43 |
| 11 | Урганч шаҳри | 591 | 33,78 | 495 | 25,90 | 0 | 0,00 | 72 | 37,00 | 3 | 24,07 | 20 | 26,25 |
| 12 | Хива шаҳри | 224 | 34,91 | 114 | 25,56 | 0 | 0,00 | 103 | 35,95 | 0 | 0,00 | 5 | 25,00 |
| 13 | Дружба шаҳри | 107 | 32,89 | 59 | 27,64 | 0 | 0,00 | 43 | 32,36 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |

### Хоразм вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
### Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. Абит. сони | Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик % | Математика Абит. сони | Математика Самарадорлик % | Физика Абит. сони | Физика Самарадорлик % | Биология Абит. сони | Биология Самарадорлик % | Кимё Абит. сони | Кимё Самарадорлик % | Тарих Абит. сони | Тарих Самарадорлик % | География Абит. сони | География Самарадорлик % | Инглиз тили Абит. сони | Инглиз тили Самарадорлик % | Немис тили Абит. сони | Немис тили Самарадорлик % | Француз тили Абит. сони | Француз тили Самарадорлик % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Урганч тумани | 359 | 42,68 | 140 | 42,90 | 50 | 37,56 | 123 | 57,84 | 135 | 46,83 | 108 | 49,38 | 5 | 61,11 | 100 | 41,81 | 21 | 22,75 | 16 | 25,35 |
| 2 | Хива тумани | 194 | 38,39 | 73 | 46,99 | 32 | 40,54 | 66 | 57,32 | 68 | 43,63 | 55 | 50,10 | 0 | 0,00 | 40 | 39,31 | 37 | 28,53 | 3 | 23,15 |
| 3 | Хазорасп тумани | 151 | 34,73 | 81 | 47,05 | 51 | 38,40 | 36 | 56,10 | 38 | 45,03 | 35 | 45,79 | 0 | 0,00 | 34 | 41,34 | 8 | 23,96 | 10 | 33,33 |
| 4 | Гурлан тумани | 324 | 40,90 | 147 | 44,86 | 69 | 32,09 | 93 | 55,70 | 100 | 40,42 | 102 | 46,08 | 3 | 48,15 | 87 | 41,57 | 11 | 24,49 | 24 | 41,55 |
| 5 | Хонқа тумани | 458 | 39,80 | 194 | 45,29 | 88 | 34,50 | 125 | 60,38 | 131 | 49,19 | 164 | 45,68 | 6 | 41,67 | 109 | 54,36 | 36 | 30,32 | 47 | 31,26 |
| 6 | Шовот тумани | 580 | 40,78 | 268 | 46,30 | 143 | 32,79 | 161 | 61,92 | 153 | 51,27 | 171 | 47,50 | 10 | 43,89 | 86 | 40,86 | 5 | 21,67 | 125 | 35,42 |
| 7 | Янгибозор тумани | 325 | 42,10 | 118 | 43,67 | 59 | 30,98 | 93 | 54,24 | 96 | 41,44 | 123 | 45,71 | 7 | 40,87 | 45 | 46,05 | 36 | 31,48 | 59 | 34,23 |
| 8 | Қўшкўпир тумани | 413 | 43,54 | 136 | 45,57 | 74 | 33,82 | 120 | 59,63 | 117 | 48,72 | 170 | 53,17 | 2 | 52,78 | 90 | 41,05 | 33 | 30,22 | 68 | 27,70 |
| 9 | Боғот тумани | 413 | 46,42 | 156 | 48,79 | 52 | 35,90 | 135 | 62,43 | 143 | 47,36 | 148 | 55,93 | 3 | 44,44 | 106 | 45,86 | 37 | 23,20 | 37 | 29,35 |
| 10 | Янгиариқ тумани | 318 | 53,07 | 107 | 49,71 | 41 | 38,48 | 92 | 65,94 | 99 | 53,06 | 133 | 63,81 | 7 | 52,78 | 122 | 49,66 | 12 | 18,52 | 14 | 32,14 |
| 11 | Урганч шаҳри | 484 | 41,70 | 219 | 47,43 | 65 | 39,79 | 96 | 52,49 | 104 | 43,78 | 174 | 48,60 | 2 | 36,11 | 202 | 50,88 | 47 | 32,80 | 7 | 26,19 |
| 12 | Хива шаҳри | 84 | 36,04 | 33 | 41,41 | 16 | 33,51 | 26 | 55,13 | 26 | 45,09 | 25 | 49,33 | 0 | 0,00 | 23 | 44,20 | 12 | 38,43 | 0 | 0,00 |
| 13 | Дружба шаҳри | 64 | 42,80 | 33 | 57,15 | 11 | 34,60 | 16 | 49,65 | 17 | 41,99 | 15 | 57,41 | 2 | 48,61 | 24 | 53,36 | 5 | 28,89 | 4 | 37,50 |
| 14 | Гурлан шаҳри | 2 | 40,28 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |
| 15 | Хонқа шаҳри | 2 | 37,50 | 2 | 52,78 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | -0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |
| 16 | Янгибозор шаҳри | 6 | 29,17 | 2 | 19,44 | 0 | 0,00 | 2 | 25,00 | 0 | 0,00 | 2 | 20,83 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 2 | 16,67 | 0 | 0,00 |
| 17 | Қўшкўпир шаҳри | 3 | 47,22 | 3 | 39,81 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |
| 18 | Боғот шаҳри | 2 | 19,44 | 2 | 34,72 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |

### Хоразм вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
### Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

| № | Туман, шаҳар номи | Ўзбек тили ва ад. Абит. сони | Ўзбек тили ва ад. Самарадорлик % | Математика Абит. сони | Математика Самарадорлик % | Физика Абит. сони | Физика Самарадорлик % | Биология Абит. сони | Биология Самарадорлик % | Кимё Абит. сони | Кимё Самарадорлик % | Тарих Абит. сони | Тарих Самарадорлик % | География Абит. сони | География Самарадорлик % | Инглиз тили Абит. сони | Инглиз тили Самарадорлик % | Немис тили Абит. сони | Немис тили Самарадорлик % | Француз тили Абит. сони | Француз тили Самарадорлик % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Урганч тумани | 77 | 37,30 | 42 | 41,34 | 14 | 27,78 | 32 | 38,63 | 14 | 29,37 | 12 | 42,36 | 0 | 0,00 | 25 | 52,89 | 5 | 21,11 | 1 | 16,67 |
| 2 | Хива тумани | 31 | 47,94 | 17 | 49,18 | 4 | 37,50 | 9 | 52,78 | 1 | 33,33 | 9 | 58,64 | 0 | 0,00 | 11 | 37,88 | 6 | 16,67 | 1 | 25,00 |
| 3 | Хазорасп тумани | 27 | 42,80 | 16 | 43,23 | 8 | 45,83 | 7 | 43,25 | 1 | 36,11 | 10 | 56,11 | 0 | 0,00 | 8 | 33,33 | 0 | 0,00 | 3 | 18,52 |
| 4 | Гурлан тумани | 30 | 34,63 | 16 | 34,90 | 9 | 21,91 | 12 | 44,44 | 4 | 31,25 | 5 | 50,56 | 0 | 0,00 | 8 | 35,76 | 0 | 0,00 | 1 | 27,78 |
| 5 | Хонқа тумани | 70 | 39,48 | 30 | 42,96 | 17 | 27,61 | 36 | 49,31 | 15 | 27,96 | 23 | 40,82 | 1 | 61,11 | 10 | 40,56 | 3 | 23,15 | 3 | 37,96 |
| 6 | Шовот тумани | 82 | 42,17 | 35 | 39,92 | 13 | 33,12 | 43 | 44,83 | 27 | 30,14 | 17 | 40,69 | 0 | 0,00 | 13 | 35,04 | 1 | 11,11 | 11 | 34,34 |
| 7 | Янгибозор тумани | 59 | 39,97 | 22 | 31,44 | 12 | 29,40 | 30 | 36,11 | 13 | 30,34 | 20 | 36,67 | 0 | 0,00 | 5 | 27,22 | 9 | 21,60 | 3 | 16,67 |
| 8 | Қўшкўпир тумани | 62 | 38,58 | 23 | 36,96 | 8 | 24,31 | 34 | 44,20 | 10 | 33,06 | 15 | 37,78 | 1 | 33,33 | 8 | 33,68 | 1 | 25,00 | 9 | 34,57 |
| 9 | Боғот тумани | 56 | 45,98 | 29 | 55,46 | 12 | 41,67 | 24 | 54,05 | 12 | 36,57 | 6 | 50,93 | 0 | 0,00 | 11 | 48,23 | 5 | 24,44 | 3 | 25,93 |
| 10 | Янгиариқ тумани | 57 | 48,49 | 23 | 59,54 | 6 | 53,70 | 30 | 49,26 | 16 | 35,59 | 12 | 53,24 | 0 | 0,00 | 19 | 45,76 | 1 | 33,33 | 1 | 13,89 |
| 11 | Урганч шаҳри | 135 | 36,73 | 82 | 35,43 | 22 | 22,85 | 46 | 35,02 | 14 | 34,52 | 18 | 50,46 | 0 | 0,00 | 44 | 42,74 | 18 | 31,48 | 0 | 0,00 |
| 12 | Хива шаҳри | 37 | 38,96 | 21 | 41,53 | 9 | 38,58 | 14 | 45,24 | 2 | 61,11 | 11 | 45,71 | 0 | 0,00 | 10 | 51,39 | 3 | 21,30 | 0 | 0,00 |
| 13 | Дружба шаҳри | 11 | 34,85 | 8 | 30,56 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 2 | 76,39 | 0 | 0,00 | 8 | 19,79 | 2 | 22,22 | 0 | 0,00 |
| 14 | Хонқа шаҳри | 3 | 50,00 | 2 | 33,33 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 | 0 | 0,00 |

# ШОГИРДЛАРИМ — ҚУВОНЧЛАРИМ

Mukofot sohiblari

Ҳар куни ва ҳар қадамда ўз шогирдларидан, қолаверса, атрофидаги одамлардан қуёшли меҳрини дариғ тутмайдиган, бор билимини ва тажрибасини ўзгалардан аямайдиган устозлар ҳақида ёзиш анча мушкул масала экан. Мана шу сатрларни қоғозга тушириш асносида негадир бутун вужудимни сим-сим ҳаяжон ўз забтига олгандай бўлаверди. Жумлаларим бир-бирига қовушмаётгандай, сатрлар силсиласи, таъбир жоиз бўлса, худди ўйинқароқ болажонлар каби менга, тўғрироғи, қаламимга изн бермаётгандек. Устозим Наима опа Турсунхўжаева фаолиятига бу чизгилар камлик қилаётгандек туюлаверди. Аслида у киши болалигидаёқ маънавият дунёсига ошуфта ўсди. 1959 йили Тошкент Давлат университетини муваффақиятли тамомлаб, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ўқитувчиликнинг остонасига қадам қўйди. Фаолиятининг дастлабки чоғлариданоқ эл назарига туша бошлади. Туман миқёсида обрў-эътибори ошди.

Наима опалар оилавий шароит тақозосига кўра, 1962 йили Қибрай туманига кўчиб келишди. Туманнинг 5 ва 25-мактабларида яна ўқувчиларга сабоқ беришни давом эттирди. Мана у қарийб 40 йилдирки, бир даргоҳда — Амир Темур номли 25- лицей-мактабда болажонларга она тили ва адабиёти фанидан сабоқ бериб келаяпти. Ҳар бир дарс ўтиш жараёнида унинг мураббийлик иқтидори мана, мен деб бўй кўрсатиб туради... Қувонарлиси, Наима опанинг шогирдлари кўплаб нуфузли жамоаларда муваффақиятли иш юритиб келишмоқда.«Шогирдларим - қувончларим!», дейди фахр ила устоз.

Дарвоқе, устозимиз Наима Турсунхўжаева оиласи хусусида. У кексалик гаштини сураётган қурувчи-нурчи умр йўлдоши билан 3 нафар фарзандини комил инсонлар этиб тарбиялашди. Ўғиллари Абдураҳмон ва Авазбек Шоисломовлар айни чоғда юрт ва эл хизматида. Қизлари Гулнозахон Тошкент Давлат аграр университетида муҳандис. Шогирдлари хусусида ҳам кўп ва хўп фикр билдириш мумкин. Илло, уларнинг рўйхати узун. Устозимиз Наима опа Турсунхўжаева учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган ва айни вақтда ўзи ишлаётган Амир Темур номли 25- лицей-мактабнинг раҳбари, устозимиз Шукур ака Ғаниев ҳам у кишининг шогирдларидан биридир.

Ҳа, айтмоқчи, беназир устоз Наима опа Турсунхўжаева ўтаётган 1998 йил - Оила йилини эндиликда бир умр миннатдорчилик туйғулари билан эслайди. Сабаби, шу йил 1-октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан муҳтарам Президентимизнинг Фармонига кўра устозимиз Наима Турсунхўжаева «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Хуллас, эл-юрт ҳурматига сазовор устозимизнинг юксак мукофотга сазовор бўлгани барчамизни чексиз қувонтирди.

Бахтимизга ҳамиша бор бўлинг, устоз!

**Дилноза ҚАЮМОВА,**
**Қибрай туманидаги 25-лицей-мактабнинг 10-синф ўқувчиси**

